

**SILLIQ STVOLLI O‘QOTAR QUROLLARNING DIAGNOSTIK
EKSPERTIZASINI O‘TKAZISHDAGI DOLZARB MUAMMOLLAR****Ma'mirov Bilolbek Azamat O'gli***Ichki Ishlar Vazirligi Akademiyasi 3-Kurs 325-Guruh Kursanti***A.A.Oppoqxonov***Ilmiy Rahbar Iiv Akademiyasi Kriminalistik Ekspertizalar Kafedrası**O'qituvchisi Kapitan*

Annotatsiya: Ushbu maqola orqali hozirgi kundagi zamonaviy ballistik ekspertizaning imkoniyatlari, tasniflanishi, zamonaviy ballistikaning nazariy va huquqiy asoslariga tuxtalib o'tilgan. Bundan tashqari, silliq stvolli o'qotar qurollarning diagnostik ekspertizasini o'tkazishdagi dolzarb muammolar va ularning yeshimlari haqida to'xtalib o'tilgan.

Kalit so'zlar: ballistika, stvoll, xodisa joyi, tadqiqotlar amalga oshirish, o'q izlari, patron, ekspertlar mahorati, daliliy ashyolar, tepkili mexanizm, qoldirilgan izlar, zarrachalar, ishlov asboblari.

Аннотация: В данной статье рассматриваются возможности, классификация, а также теоретико-правовые основы современной баллистики. Кроме того, обсуждаются актуальные проблемы и пути их решения при диагностическом обследовании гладкоствольного огнестрельного оружия.

Ключевые слова: Баллистика, ствол, место преступления, расследование, следы пуль, патрон, экспертные навыки, доказательства, спусковой механизм, оставленные следы, частицы, средства обработки.

Annotation: This article deals with the capabilities, classification, and theoretical and legal foundations of modern ballistics. In addition, current problems and their solutions in the diagnostic examination of smooth-bore firearms are discussed.

Key words: Ballistics, crime scene, investigation, bullet marks, cartridge, expert skills, evidence, trigger mechanism, traces left, particles, processing tools.

Бугунги кунда жамият ривожланиши билан бир қаторда унда содир бўлаётган жиноятларнинг ҳам турли хил янги кўринишлари пайдо бўлиб бормоқда. Содир этилган жиноятларга тўла ва холисона баҳо беришда, уларнинг туб мохиятини аниқлаштиришда экспертиза хулосаларининг ўрни катта. Чунки, экспертиза тадқиқотлари орқали жиноят ходисасига алоқадор бўлган жуда кўплаб ҳолатлар аниқланиши мумкин.

Баллистик экспертизаларнинг ўзига хос хусусиятларга эга бўлган, ички ишлар идоралари ходимлари амалиётида тез-тез учраб турадиган, жиноятларни очишга

бевосита ёрдам берадиган бир тури бу силлиқ стволли ўқ отар қуролларнинг экспертизасидир.

Қурол – бу физикавий, кимёвий ва биологик таъсирни таъминловчи, ҳужум қилиш ва фаол ҳимоя қилиш воситаси, яъни, душманнинг жонли кучлари ва жанговар техникасини йўқотиш ёки сафдан чиқариш воситасидир. Ишлаб чиқариш ва ҳаваскорлик ови ҳамда спорт мақсадлари учун мўлжалланган ов ўқотар қуроллари ишлатиладиган снарядларига боғлиқ равишда сочма ўқли силлиқ стволли қуролларга (асосан, сочма ўқлар билан отиш учун); ўқли □ нарезли қуролларга (ўқлар билан отиш учун); мураккаблаштирилган (ҳам нарезли ҳам силлиқ) стволли қуролларга (ўқлар билан ҳам сочма ўқлар билан ҳам отиш учун) бўлинади. Силлиқ стволли ўқотар қуролларнинг моделлари хилма-хил бўлишига қарамасдан уларнинг тури унча кўп эмас. Сочма ўқли милтиқлар асосан бир ва икки стволли қилиб ишлаб чиқарилади, икки стволли қуролларнинг стволлари горизонтал ёки вертикал жойлашган бўлиши мумкин. Мураккаблаштирилган ўқ ва сочма ўқли милтиқлар икки ёки уч стволли бўлиши мумкин.

Силлиқ стволли ўқотар қуроллар қуйидаги тугун ва механизмлардан иборат: ствол ёки стволлар блоки, колодка, затвор ёки ствол қутиси, ложа ва даста (цевъё), стволларнинг ёпиш механизми, уриш механизми, қўйиб юборувчи механизм, отилган гильзаларни чиқариб ташлаш механизми, мўлжалга олиш мосламалари, сақлагичлар.

Ҳозирги пайтда силлиқ стволли ўқотар қуролларни экспертизасини ўтказишда қуйидаги хатолар учраб туради улар қуйидагилар:

- объектларни ўқотар қуролларга тегишлилигини аниқлаш;
- отилган ўқларга кўра ўқотар қуролнинг аниқ нусхасини аниқлаш;
- ўқ отилиш масофасини аниқлаш.

Ушбу турдаги тадқиқотлар текширилаётган объектларда қуйидаги учта хусусиятларнинг мавжудлигини аниқлашдан иборат бўлади: қуроллилик, ўқотарлилик ва ишончлилик. Экспертиза амалиётининг таҳлили натижасида маълум бўлдики, эксперт-баллистлар жуда кўп ҳолларда тадқиқот объектлари (отувчи мосламалар)нинг тузилиши ва хусусиятларини батафсил таърифлайдилар, аммо уларга криминалистик жиҳатдан баҳо берамайдилар, яъни мосламанинг барча таркибий қисмлари (деталлари) ушбу мосламадан ўқ отиш имкониятини бериш-бермаслиги ҳақида фикр юритмайдилар. Бу масала эса текширилаётган объектларда қуроллилик хусусияти мавжудлигини аниқлашда катта аҳамият касб этади.

Тадқиқотлар жараёнида текширилаётган объектларни «тўппонча», «револьвер», «милтиқ» деб атайдилар ва хатога йўл қўядилар. Тадқиқот жараёнида, текширилаётган объектларнинг қуроллилик хусусияти аниқланмасдан туриб, уларни «тўппонча (револьвер, милтиқ)га ўхшаш буюм» ёки «тадқиқотга тақдим этилган

буюм» деб номлаш тўғрироқ бўлади. Тадқиқот объектларининг ўқотар қуролларга тегишлилини аниқлашга оид экспертиза хулосаларида объект деталларининг ишлов берилганлик даражаси ҳақида маълумотлар келтирилмайди, ҳолбуки, ушбу маълумотлар тадқиқот объектларини тайёрлашда ишлатилган асбоб-ускуналар, становлар ҳақида фикр юритишга асос бўлади. Объектларни ўқотар қуролларга тегишлилигини аниқлашга оид тадқиқотларда ҳар доим ҳам тажриба ўқ отишлари (эксперимент) ўтказилмайди, бу эса анъанавий экспертиза методикасини бузиш ҳисобланади ва хато хулоса чиқаришга сабаб бўлади. Юқоридаги вазифаларни бажаришда тажриба ўқ отишларини амалга ошириш, тадқиқот объектларидан ўқ отилиш имкониятлари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини, ушбу объектдан кўп марта фойдаланиш имкониятини, яъни унинг ишончлилигини тасдиқлаш учун зарур бўлади. Ундан ташқари, эксперимент жараёнида текширилаётган отувчи мосламадан отилган снаряднинг кинетик энергияси аниқланади.

Фақат аниқланган нуқсонни бартараф этиш усуллари ва экспертнинг ҳаракатлари экспертиза хулосасида баён этилиши лозим. Тадқиқот объектида ундан ўқ отишга зарур бўлган асосий деталлардан бири мавжуд бўлмаганда мураккаб вазият юзага келади. Аммо бу ҳолатда ҳам қуйидагича тўғри хулоса берилиши лозим: «объект тақдим этилган ҳолатда унинг боёғи мавжуд бўлмаганлиги ва ушбу объектдан ўқ отиш имкони йўқлиги сабабли ўқотар қурол ҳисобланмайди». Ундан ташқари, эксперт тақдим этилган объектга бошқа боёқ ўрнатиб, ундан экспериментал отишларни амалга ошириши ва бу унинг натижалари бўйича барча маълумотларни экспертиза хулосасида баён этиши лозим. Отилган ўққа кўра ўқотар қуролнинг аниқ нусхасини аниқлаш бўйича тадқиқотлар жараёнидаги хатолар. Отилган ўқларда, одатда, ўқотар қуролнинг турли таркибий қисмларидан изларнинг мажмуаси вужудга келади.

Шунинг учун ўқотар қуролнинг турли қисмларидан қолган отилган ўқлардаги изларни ва улардаги қуролларнинг акс этувчи белгиларни алоҳида ўрганиш зарур. Муайян бир ўқотар қуролнинг айнанлигини тавсифловчи ва уларнинг барчаси йиғилганда идентификацион белгилар ҳисобланувчи умумий ва хусусий белгилар, биринчидан, уларнинг нисбий барқарорлиги ёки турғунлиги нуқтаи назаридан, иккинчидан, уларнинг акс этиш қобилияти нуқтаи назаридан баҳоланади. Хусусий белгилар, бундан ташқари, улар йиғиндисининг бетакрорлиги, яъни алоҳидалиги ҳамда улар ҳар бирининг учрашиш частотаси нуқтаи назаридан ҳам баҳоланади. Ўқотар қуролларнинг хусусий белгиларига муайян бир ўқотар қуролларни тайёрлаш ва уни ишлатиш жараёнидаги, яъни ўқ отиш, тозалаш ва сақлаш жараёнидаги аниқ белгилар киради.

Бунинг учун ўқотар қурол қисман ёки зарурат бўлса, тўлиқ қисмларга ажратилади. Бунда қуролнинг из ҳосил қилувчи қисмлари ҳеч қандай ўзгаришларга

учрамаслиги муҳим. Агар қурол тадқиқотга бузилган қисмлари билан ёки ўқ отиш учун зарур бўлган айрим қисмлари етарли бўлмаган ҳолатда тақдим этилган бўлса, қуролнинг бундай қисмларини айнан шу қурол билан бир тизим, русум ва намунадаги бошқа қуролларнинг қисмлари билан алмаштирилади. Қуролнинг таъмирланганлиги ва алоҳида қисмларининг алмаштирилганлиги экспертиза хулосасида баён этилади. Қурол стволи каналини экспериментал ўқ отишга тайёрлаш алоҳида эътибор талаб қилади.

Қурол стволи канали қурум ва тасодифий ифлосланишлардан тозаланиши керак (айрим ҳолларда экспериментал ўқ отишни қурол стволи тозаланишидан олдин ҳам, кейин ҳам ўтказиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., 2020. – 45
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-6196.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд-экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида ”ги ПҚ-4125 сон.
4. Хасанов Ш.Х., Тураббаев Х.А., Хусанов А.Д. Баллистик экспертиза: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 444 б
5. Трасология и трасологическая экспертиза. Учебник / Кантор И.В. (отв. Редактор), Ярмак В.А., Жигалов Н.Ю., Смольяков П.П. – М., России, 2002.
6. Чуряков Э. Подготовка и назначение некоторых видов трасологической экспертизы // Ўзбекистон Республикасининг экспертлик хизмати: натижалар ва ривожланиш йўналишлари. – Т., 2007. – С.52–56 б.
7. Т.Б.Маматқулов, А.Б.Бабамуродов, Ф.Э.Тўраев ва бошқ. Криминалистик техника: Маърузалар курси – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 200 б.
8. Г. Ф. Никишин, Х. Т. Назаров, Ш. Х. Хасанов, А. Д. Хусанов Ички ишлар органлари эксперт-криминалистика хизмати ходимларининг иш фаолиятини ташкил этиш: Ўқув қўлланма – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – 47 б.

ИНТЕРНЕТ САЙТЛАР:

1. <https://www.lex.uz/>
2. <https://www.norma.uz/>
3. <https://www.adliya.uz/>
4. <https://www.standart.uz/>
5. <https://meningkonstitutsiyam.uz/>
6. <https://president.uz/>